

**ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Qx/V.43.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

БЕРДИЕВ ТОЛИБ ТУРСУННИЯЗОВИЧ

**СУРҲОН-ШЕРОБОД ВОҲАСИ ЧЎЛ МИНТАҚАСИ
СУҒОРИЛАДИГАН ТУПРОҚЛАРИНИНГ КИМЁВИЙ ҲОЛАТИ,
ФИЗИК-КИМЁВИЙ ХОССАЛАРИ ВА УНУМДОРЛИГИНИ ОШИРИШ
ЙЎЛЛАРИ**

03.00.13 – Тупроқшунослик

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

**Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижа**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
биологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of philosophy (PhD) on
biological science**

Бердиев Толиб Турсунниязович

Сурхон-Шеробод воҳаси чўл минтақаси суғориладиган
тупроқларининг кимёвий ҳолати, физик-кимёвий хоссалари ва
унумдорлигини ошириш йўллари..... 3

Бердиев Толиб Турсунниязович

Химическое состояние, физико-химические свойства орошаемых почв
пустынной зоны Сурхан – Шерабадского оазиса и пути повышения их
плодородия..... 21

Berdiev Tolib Tursunniyazovich

Chemical condition, physical and chemical properties of irrigated soils of
the desert zone of Surkhan - Sherabad oasis and ways to increase their
fertility..... 41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 45

**ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Qx/V.43.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

БЕРДИЕВ ТОЛИБ ТУРСУННИЯЗОВИЧ

**СУРҲОН-ШЕРОБОД ВОҲАСИ ЧЎЛ МИНТАҚАСИ
СУҒОРИЛАДИГАН ТУПРОҚЛАРИНИНГ КИМЁВИЙ ҲОЛАТИ,
ФИЗИК-КИМЁВИЙ ХОССАЛАРИ ВА УНУМДОРЛИГИНИ ОШИРИШ
ЙЎЛЛАРИ**

03.00.13 – Тупроқшунослик

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/B46 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш веб-саҳифасида (<http://www.soil.uz>) ва «Ziynet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Тошқўзиев Маруф Мансурович биология фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Юлдашев Ғулом қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор Абдрахмонов Тохтасин қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, доцент
Етакчи ташкилот:	Тошкент давлат аграр университети

Диссертация ҳимояси Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Қх/В.43.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «___» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100179, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қамарнисо кўчаси, 3-уй. Тел.: (+99871) 246-09-50; факс: (+99871) 246-76-00; e-mail: info@soil.uz).

Диссертация билан Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100179, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қамарнисо кўчаси, 3-уй. Тел.: (+99871) 246-15-38.

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «___» _____ даги рақамли реестр баённомаси).

Р.Қ.Қўзиев,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, б.ф.д., профессор.

Н.Ю.Абдурахмонов,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, б.ф.н., катта илмий ходим.

Б.И.Ниязалиев,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, қ-х.ф.д., катта илмий ходим

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунё бўйича ер ресурслари 13,2 млрд. гектарни, шундан 37 фоизи қишлоқ хўжалиги ерларини ташкил қилади. Ҳайдаладиган ерлар 1,45 миллиард гектар майдонда бўлиб, йилига 6-7 млн. га дан ортиқ майдони деградацияга учраши натижасида суғорма деҳқончиликдан чиқиб кетмоқда¹. Ҳозирги вақтда деградация жараёнларининг асосий қисми интенсив суғориладиган ерларда содир бўлмоқда. Шуларни ҳисобга олингани ҳолда, тупроқ қопламани деградацияси-гумуссизланиш, озиқа моддаларини ювилиши, иккиламчи шўрланиши, шўртобланиши каби салбий жараёнларни олдини олишга қаратилган илмий асосланган тадбирларни ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Дунёда тупроқ унумдорлигини тиклаш, сақлаш ва оширишга, уларда содир бўладиган салбий жараёнларни олдини олиш, тупроқларни кимёвий, физик-кимёвий хоссаларини таҳлил қилиш каби масалалар бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Шунингдек, тупроқ қопламани турли салбий жараёнларга чидамлилигни ошириш ва экологик тоза маҳсулот етиштиришда органик деҳқончиликни юритишни, тупроққа органик, органоминерал ўғитлар, сидерат, биогумус, ва биопрепаратлар қўллаш орқали тупроқни органик моддага бойитишга доир агротехнологиялар қўллашга қаратилган илмий-тадқиқотларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бугунги кунда республикада тупроқ унумдорлигини ошириш, ерлардан оқилона, самарали фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш бўйича тадқиқотлар ўтказилиб, илмий ишланмалар, тавсияномалар ишлаб чиқилган ва муайян натижаларга эришилган. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида² “...қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларни, энг аввало, сув ва ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни жорий этиш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотни ишлаб чиқаришни кенгайтириш” бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада суғориладиган ерларда кузатилаётган салбий жараёнларни юзага келтирувчи омилларни аниқлаш ва шу асосида бундай жараёнларнинг олдини олиш, улар оқибатларини бартараф этишнинг илмий асосланган самарадор чора-тадбирларини ва технологияларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 майдаги ПФ-5065-сон «Ерларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш борасидаги назоратни кучайтириш, геодезия ва картография фаолиятини такомиллаштириш, давлат кадастрлари юритишни тартибга солиш чора-

¹ <http://www.fao.org>.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

тадбирлари» тўғрисидаги, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947-сон Фармонлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 октябрдаги 841-сон “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Мавзунинг республикада олиб борилаётган илмий тадқиқотларнинг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тупроқларининг кимёвий, физик-кимёвий хоссалари, унумдорлигини сақлаш, тиклаш ва ошириш бўйича хорижлик ва республика олимларидан Bame I. B.; Hughes J. C., Zinn Y. L.; Lal R.; Resck D. V, Rusan M. J. M.; Hinnawi S., Г.А.Тинина, С.А.Азимбоев, Л.А.Гафурова, А.А.Примкулов, А.Б.Кантор, А.Э.Авлиёкулов, М.М.Тошқўзиёв, Р.Қ.Қўзиёв, А.У.Ахмедов, Ч.Р.Бегимкулов ва бошқалар томонидан илмий тадқиқотлар олиб борилган. Худуднинг асосий суғориладиган тупроқларини сингдирилган катионлар таркиби, адсорбция хусусиятлари, ил заррачаларининг таркибига доир тадқиқотлар етарлича ўтказилмаган, тупроқ унумдорлигини сақлаш, ошириш ва унда органик модда миқдорини ошириш, асосий экинлар етиштиришда уларни навбатлаб такрорий ва оралик экинлар экиш орқали экологик тоза унумдор тупроқ шароитини ҳосил қилишга доир агротехнологиялар шу кунгача бу регион тупроқларида қўлланилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти илмий тадқиқот ишлари режасининг К-7-012 “Ўзбекистон Республикаси суғориладиган ерларининг тупроқ қопламини комплекс ўрганиш, тупроқ экологик-мелиоратив ҳолатини яхшилаш ҳамда унумдорлигини тиклаш, баҳолаш ва бошқаришнинг самарадор технологияларини ишлаб чиқиш” (2009-2011 йй.) мавзусидаги йирик амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Сурхон-Шеробод воҳаси чўл минтақаси асосий суғориладиган тупроқларининг кимёвий, физик-кимёвий хосса-хусусиятларини аниқлаш ҳамда тупроқ унумдорлигини оширишга йўналтирилган илмий – амалий ечимларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

худуд асосий суғориладиган тупроқларининг морфологик, морфогенетик хусусиятлари, айрим физик, сув-физик хоссаларини ўрганиш;
Сурхон-Шеробод воҳаси чўл минтақаси суғориладиган

тупроқларининг умумий кимёвий ва физик-кимёвий хоссаларини ўзгаришини аниқлаш;

ўрганилган асосий тупроқларнинг сингдириш сиғими, сингдирилган катионлар таркиби, адсорбция хусусиятлари, ил заррачаларининг таркибини ўрганиш;

ушбу тупроқларнинг юқоридаги кўрсаткичлари бўйича ҳозирги ҳолатини аниқлаш, уларда содир бўлаётган ўзгаришларни кўрсатиш ва башорат қилиш;

суғориладиган тақир-ўтлоқи тупроқларни органик моддага бойитиш, тупроқ унумдорлигини сақлаш, тиклаш, оширишга доир агротехнологияни қўллаш ва амалиётга жорий қилиш;

тупроқларнинг кимёвий ҳолати, физик-кимёвий хоссалари бўйича ҳамда қўлланиладиган агротехнология асосида илмий – амалий ечимларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Сурхон-Шеробод воҳаси чўл минтақасида тарқалган янгидан ўзлаштирилган ва турли муддатда суғориладиган тақир, тақир-ўтлоқи, ўтлоқи-тақир, чўл-қумли, ўтлоқи тупроқлар танланган.

Тадқиқотнинг предмети тупроқларнинг асосий кимёвий, физик-кимёвий хоссалари - сингдириш сиғими, сингдирилган катионлар таркиби, адсорбция хусусиятлари ҳамда «ғўза-ғалла» экинлари мажмуида етиштириладиган такрорий ва оралиқ экинлар, органик, минерал ўғитлар, микробиологик препаратлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотларда генетик-географик, профил-геокимёвий, стационар-дала ва кимёвий-аналитик усулларидан фойдаланилди. Тупроқларни кимёвий, физик-кимёвий, агрокимёвий ва агрофизикавий таҳлиллари «Руководство по химическому анализу почв», «Методы агрохимических анализов почв и растений Средней Азии», «Методы агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в поливных хлопковых районах» умумқабул қилинган услубий қўлланмалар бўйича ўтказилган. Дала тажрибавий тадқиқотлар «Методика полевых опытов с хлопчатником в условиях орошения», «Дала тажрибаларини ўтказиш бўйича услубий қўлланмалар» қўлланмалари асосида бажарилди. Маълумотларни математик-статистик таҳлили «Microsoft Excel» дастури ёрдамида дисперсион (Б.А.Доспехов) услуби бўйича ҳисобланган.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйидагилардан иборат:

ил фракциясини, майда дисперс заррачалари ҳамда органик моддалар миқдорини ошириш орқали ҳудуд тупроқларида кимёвий, физик-кимёвий, сув-физик хоссаларини яхшиланиши аниқланган;

ҳудуднинг асосий суғориладиган тупроқларини сингдириш сиғими, сингдирилган катионлар таркиби, ил заррачаларининг адсорбция хусусиятлари аниқланган;

сингдирилган натрийни улуши тупроқ тип ва типчалари бўйича фарқланиши ва ҳудуд тупроқларида кучсиз шўртобланиш жараёни

аниқланган;

суғориладиган тақир-ўтлоқи тупроқларини органик моддага бойитиш орқали унумдорлигини тиклаш ва оширишга доир илмий-амалий ечимлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ўрганилган ҳудуд тупроқларида содир бўлаётган шўртобланиш, гумус ва озика элементлари миқдорини камайиши каби салбий жараёнларни олдини олишга қаратилган тупроқларни унумдорлиги ва экологик мелиоратив ҳолатини яхшилашга доир чора – тадбирлар ишлаб чиқилган;

асосий “ғўза-кузги буғдой” экинлари тизимида уларни навбатлаб алмаштириб такрорий ва оралиқ экинлар экилганда тупроқни органик моддага, озика элементларига бойиштириш натижасида минерал ўғитлар меъёрини 25-30 % камайтириб, етиштирилган экинлардан қўшимча 5-8 ц/га ҳосил олинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг аниқлиги кимёвий-аналитик (*алангали-фотометрик, спектрофотометрик, фотоэлектродиметрик*) ва бошқа тадқиқот усуллари билан уларни вариацион-статистик таҳлил қилиниши натижасида исботланган. Тадқиқот натижаларининг халқаро ва республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинганлиги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан эътироф этилган нуфузли хорижий ва республика илмий журналлари даврий нашрларда чоп этилганлиги, натижаларнинг амалиётга жорий қилинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ҳудуддаги асосий суғориладиган тупроқларнинг кимёвий ҳолати ва физик-кимёвий хоссалари, адсорбция хусусиятлари, тупроқда органик модда тўпланиши қонуниятлари, шу тупроқларда содир бўлаётган жараёнларни кўрсатиб берилганлиги, тупроқларнинг бугунги кундаги унумдорлик ҳолатини ҳамда ресурс тежовчи агротехнологияларни қўллашни илмий асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти суғориладиган тақир-ўтлоқи тупроқларни органик моддага бойитиш орқали унумдорлигини қайта тиклаш ва ошириш чора-тадбирлари ишлаб чиқилган, ушбу чора-тадбирлари тупроқ унумдорлигини оширишда, экинлардан юқори ҳосил олишда ҳамда ерлардан самарали фойдаланишда хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Сурхон-Шеробод воҳаси чўл минтақаси суғориладиган тупроқларининг кимёвий ҳолати, физик-кимёвий хоссалари ва унумдорлигини ошириш йўллари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

тупроқларни органик моддага бойитиш орқали унумдорлигини қайта тиклаш ва ошириш агротехнологияси Сурхондарё вилояти Ангор туманида 202 га майдонга жорий этилган (Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг 2018 йил 09 июлдаги 03-05-5452-сон маълумотномаси). Натижада қисқа муддатда тупроқдаги гумус миқдори

0,125-0,135 % га, фосфор 0,03-0,09 % га, калий 0,06-0,15 % га ошириш имконини берган;

минерал ўғитлар меъёрини 1,5 марта камайтириб асосий, такрорий ва оралик (сидерат) экинлари етиштириш тизими Ангор туманидаги фермер хўжаликларида 202 га майдонга жорий қилинган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 03 июлдаги 02/023-177-сон маълумотномаси). Натижада тупроқларнинг органик моддага бойиши, озика режимини яхшиланиши ҳисобига пахтадан 3,8-5,2 ц/га; кузги буғдойдан 9,4-11 ц/га; мошдан 2,1-3,4 ц/га қўшимча ҳосил олиш имконини берган;

Сурхондарё вилояти жанубий туманлари тупроқларида кучсиз шўртобланиш жараёнини олдини олишга доир чора –тадбирлари Ангор туманида 202 гектар майдонга жорий қилинган (Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг 2018 йил 09 июльдаги 03-05-5452-сон маълумотномаси). Натижада тупроқнинг кимёвий, физик-кимёвий ва экологик-мелиоратив ҳолатини яхшиланиши ҳисобига асосий озика элементлари захираси 3,6-6,0 т/га ортиши имконини берган.

Тадқиқот натижаларнинг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари жами 4 та, жумладан, 2 та республика ва 2 та халқаро илмий-амалий анжуманларда маъруза қилинган, муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 10 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиш ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олтита боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Сурхон – Шеробод дарёлари хавзаси тупроқларининг ўрганилганлик ҳолати, уларни суғориладиган деҳқончиликда ўзгариши даражаси (адабиётлар шарҳи)» деб номланган биринчи бобининг биринчи қисмида худуд тупроқларининг ўрганилганлик ҳолати, мавзу бўйича хорижда ва республикамизда олиб борилган тадқиқот натижалари бўйича адабиёт маълумотлари келтирилган. Мазкур бобнинг иккинчи қисмида тупроқларнинг кимёвий, физик-кимёвий хоссалари ва

уларни суғориш натижасида ўзгариши бўйича хорижда ва мамлакатимизда олиб борилган тадқиқот натижалари батафсил ёритилган. Адабиётлар таҳлилининг сўнггида ушбу ҳудуд тупроқларининг шу кундаги ҳолатини кўрсатиб берадиган изланишлар олиб бориш ҳамда унумдорлигини ошириш, сақлашга доир агротехнологик ечимларни ишлаб чиқиш зарурлиги баён қилинган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот ҳудудининг тупроқ пайдо қилувчи табиий шароитлари, услублари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот ўтказилган ҳудуднинг географик ўрни, иқлими, геология, литологияси ва геоморфологияси, ўсимликлар қоплами, рельефи, инсон фаолияти таъсири ҳамда тадқиқот объекти, тупроқлари ва услублари, тажрибалар схемаси тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Тадқиқотлар ўтказилган ҳудуднинг тупроқ пайдо қилувчи табиий ва антропоген омиллари чуқур ўрганилган, таҳлил қилинган. Бунда, ҳудуд кўплаб тоғ ости дарёларини конус ёйилмалари, паст баланд рельефлари, қуруқ ўзанлари билан кесилганлиги, иқлими қуруқ субтропик серқуёш район бўлиб, 2009-2012 йилларда ёғин миқдори 110,8-250,3 мм ни, ҳарорат йиллик ўртача 20,3-23 °С ни, тупроқнинг 10 см чуқурликдаги ҳарорати йиллик ўртача 16,2-24 °С ни ташкил этганлиги аниқланган.

Сурхон-Шеробод воҳасининг чўл минтақаси ўсимлик қоплами хаво ҳароратининг қуруқлиги ҳамда намлик камлик шароитида ер юзасида тўлик қоплам ҳосил қила олмайди ва улар томонидан қолдирилган органик қолдиқ ҳам юқори эмаслиги аниқланган.

Сурхондарё ва Шерободдарё конус ёйилмаларида, ҳозирда жадал ўзлаштиришга тортилган, тақир, тақирли-ўтлоқи, ўтлоқи-тақир, ўтлоқи, қумли-чўл тупроқлари кенг майдонларни ташкил этади. Бу тупроқларга йиллар давомида ишлов беришлар, суғоришлар натижасида, уларнинг айрим генетик хусусиятлари, кимёвий, сув-физик хоссалари ўзгаришларга учраганлиги аввалги йиллардаги тадқиқотлар билан солиштириш орқали аниқланган.

Тадқиқот объекти сифатида Сурхондарё вилоятининг жанубий туманларида асосий суғориладиган тупроқларининг тарқалиш географиясини, суғориш давомийлигини ҳисобга олган ҳолда Термиз тумани Дўстлик массиви, Ангор тумани Ш.Рашидов массиви, Жарқўрғон тумани Оққўрғон массиви, Қизириқ тумани Кунчиқиш массиви, Шеробод тумани Э.Бердиев, Музрабод тумани Т.Бердиев массивлари калит майдонлари сифатида белгиланди. Шунингдек, асосий “ғўза-қузги буғдой” экинлари тизимида уларни навбатлаб алмаштириш борасида такрорий ва оралик экинлар экиш ва бунда органик ўғитлар-турли хилдаги гўнг, биопрепаратлар қўллаш орқали тупроқларни унумдорлигини сақлаш, ошириш ва уларни органик моддага бойитиш ҳамда экинлар ҳосилдорлигини ошириш бўйича дала – тажрибавий тадқиқот ишлари Сурхондарё вилояти Ангор тумани «Қорасув» фермер хўжалиги уюшмасига қаршли «Бахтиёр Нарзулла» фермер хўжалиги ҳудудида суғориладиган тақир-ўтлоқи тупроқларда олиб борилди.

Дала-тажрибавий тадқиқотлар қуйидаги вариантларда олиб борилди: $N_0P_0K_0$ – ўғитсиз назорат; $N_{200}P_{140}K_{100}$ – минерал ўғитли назорат; $N_{135}P_{95}K_{65} + 20$ т/га гўнг, минерал ўғит 1,5 марта камайтирилган; $N_{100}P_{70}K_{50} + 40$ т/га гўнг, минерал ўғит 2,0 марта камайтирилган; $N_{135}P_{95}K_{65} + МЭРС 100$ мл/га, минерал ўғит 1,5 марта камайтирилган, микробиологик препарат ҳисобига. Асосий “ғўза-кузги буғдой” экинлари тизимида дала тажрибаларида 1 бўлакча ўлчами ($20\text{м} \times 6 \times 0,6\text{м}$) = 72м^2 х 5 вариант 3 қайтарилиш = 1080 м^2 майдонда бажарилди.

Генетик-географик тадқиқотлар асосида олинган тупроқ кесмалари ва дала тажрибаларидан олинган тупроқ намуналари қуйидаги услублар бўйича лабораторияда кимёвий таҳлил қилинди: Тупроқнинг механик таркиби – Качинский бўйича пипетка усулида; кимёвий ва агрокимёвий таҳлиллар Е.В. Аринушкина ҳамда ЎзПИТИ қўлланмаларида баён этилган усулларда амалга оширилди. Тупроқлардан ил заррачаларини кимёвий ишлов бермасдан ажратиш Р.Х. Айдинян (1947) усулида, сингдирилган асослар Пфеффера усулида Т.П. Крюгер (1977) бўйича аниқланди. Дала тажрибавий тадқиқотларни қўйилиши, ҳисоблаш, кузатув ишлари “Дала тажрибаларини ўтказиш бўйича услубий қўлланмалар” (ЎзПИТИ, 2007), олинган натижаларнинг статистик таҳлили Б.А. Доспехов усулида амалга оширилди.

Диссертациянинг «**Тупроқлари, уларнинг морфологияси, морфогенетик хусусиятлари**» деб номланган учинчи бобида ўрганилган асосий суғориладиган тупроқларнинг табиий ва антропоген таъсирлар натижасида унинг вертикал профилида вужудга келган генетик, морфологик, морфогенетик белгиларини ўзгариши баён этилган.

Инсонларнинг деҳқончилик фаолияти натижасида тупроқларда ҳозирги вақтда антропоген-агроирригацион қатлам вужудга келганлиги ва унинг қалинлиги ўзлаштириш муддати 50-60 йилдан ошганлиги ҳисобига 20-38 см ни ташкил қилиб. тупроқларнинг эволюцион шаклланишида ўзига хос морфогенетик хусусиятлар аниқланди.

Сурхон-Шерабод воҳаси чўл зонаси суғориладиган тупроқ қопламлари оммавий ўзлаштирилгунга қадар (1960-80 йй.) автоморф ривожланиши босқичида жараёнлар кечган, лекин ўтган асрни охирларига келиб жадал суғоришларни авж олиши натижасида кўплаб тупроқ гуруҳлари ярим гидроморф режимга ўтиб борган. Бу ҳолатни дала тадқиқотлари даврида тупроқ кесмаларини морфогенетик белгиларини ёзиб олишда намоён бўлди. Тақир тупроқларни деярли барчаси суғорилишига тортилгандан сўнг тақир-ўтлоқи тупроқларга ўтганлиги аниқланди.

Диссертациянинг «**Суғориладиган тупроқларнинг агрофизик хоссалари**» деб номланган тўртинчи бобида суғориладиган тупроқларнинг суғориш натижасида унинг гранулометрик таркиби, солиштирма, ҳажм оғирлиги, ғоваклиги ва сув-физик хоссаларига таъсири таҳлил этилган.

Сурхон-Шерабод воҳасининг суғориладиган тупроқларида суғориш давомийлиги ҳамда геоморфологик районлар бўйича, эскидан суғориладиган тақирли-ўтлоқи тупроқларда ҳажм оғирлиги $1,45-1,55 \text{ г/см}^3$, ўтлоқи тақир тупроқларда $1,44-1,71 \text{ г/см}^3$ ни, янгидан ўзлаштирилган чўл-қумли

тупроқларда 1,44-1,48 г/см³ ни ташкил этиб, кучли зичлашган, баъзан ўта зичлашганлиги аниқланди. Шунингдек, эскидан суғориладиган ўтлоқи тупроқларда юқоридаги қатламлар қуйи қатламларга томон мос равишда 1,37-1,50 ва 1,49-1,47 г/см³ ни, янгидан суғориладиган тақирли (тақирсимон) тупроқларда 1,33-1,56 г/см³ бўлиб, ўртача ва кучли зичлашган тупроқларни ташкил этади. Янгидан суғориладиган тақирли-ўтлоқи тупроқлар ҳажм оғирлиги бўйича ҳудудда энг кам зичлашган тупроқлар бўлиб, 0,97-1,31 г/см³ ни ташкил этди. Ҳудуд тупроқларнинг солиштирма оғирлиги қатламларда 2,57-2,73 г/см³ атрофида бўлиб, паст ва ўртача даражадалиги, ғоваклик кўрсаткичи 45-64 % атрофида тебранади.

Сурхон-Шеробод воҳаси асосий суғориладиган тупроқлари тақирли, тақирли-ўтлоқи, ўтлоқи-тақир, ўтлоқи тупроқлар асосан оғир қумоқли механик таркибга эга эканлиги, таркибини асосини майда чанг (0,005-0,001мм) ҳамда ил (<0,001мм) ташкил этади ва бу заррачалар миқдори қатламларда бутун заррачалар йиғиндисининг 40-50% -ини ташкил этиши тадқиқотларимиз давомида аниқланган.

Ҳудуд тупроқ намуналарининг МГ намлиги оғир қумоқли механик таркибли эскидан суғориладиган тақирли-ўтлоқи тупроқларда ҳамда ўтлоқи тупроқларнинг ўрта қумоқларида 3,5 дан 8,4% гача - юқори, янгидан суғориладиган оғир механик таркибли тақирли – ўтлоқи тупроқлари юқори ва ўрта қисмида 4,1 – 8,0 % бўлиб, юқори эканлиги аниқланди. Эскидан суғориладиган энгил қумоқли ўтлоқи-тақир ҳамда янгидан суғориладиган тақирсимон-ўтлоқи тупроқларида МГ 1,2 дан 3,95% гача – паст кўрсаткичда бўлиши аниқланди. МГ намликни бундай ўзгаришига бир томондан механик таркиб сабаб бўлган бўлса, иккинчи томондан ушбу ҳудуд тупроқларида гидроморф жараёни жадал кетаётганлиги сабабчилиги изоҳланган.

Диссертациянинг **«Сурхон-Шеробод воҳаси чўл минтақаси суғориладиган тупроқларининг умумий кимёвий ва физик-кимёвий хоссалари»** деб номланган бешинчи бобида ҳудуднинг асосий тупроқларининг суғорма дехқончилик таъсирида умумий кимёвий, агрокимёвий ва физик-кимёвий хоссаларининг таснифи келтирилган.

Тақир-ўтлоқи тупроқлар асосан Термиз тумани Дўстлик массиви, Шеробод тумани Э.Бердиев массиви, Музработ тумани Т.Бердиев калит майдонларида кенг тарқалган.

Суғориладиган тақир-ўтлоқи тупроқларнинг ҳайдалма қатламларида гумус миқдори 0,638-0,921%, ҳайдов ости қатламида эса 0,540-0,827% оралиғида бўлиб, бизнинг тупроқлар учун ишлаб чиқилган таснифга кўра, белги характери бўйича асосан кам кўрсаткичга мансуб. Шу тупроқларнинг ўрта қисмида гумус миқдори 0,41-0,62 % ва она жинсида 0,32-0,52 % оралиғида бўлиб, жуда кам, кам кўрсаткичга тўғри келади. Ушбу тупроқлардаги умумий азотни миқдори 0,030-0,062 % оралиғида, жуда кам, кам миқдорда, аммо гумус азот билан нисбатан бойитилган бўлиб, ҳайдалма қатламда C:N нисбатини 8,4-11,2 атрофида тебраниши аниқланди.

Умумий фосфорни миқдори тупроқ профили бўйича 0,18-0,40 % орасида тебраниши кузатилди. Тупроқлар ҳайдалма қатламида умумий

калийни миқдори 1,51-1,96 % атрофида тебраниб, пастки -110-140 см ли қатламда эса 1,35-1,80 % га тенг ва ўртача кўрсаткичга тўғри келади. Э.Бердиев номли калит майдонлари тупроқларида калийни миқдори 2,10-3,30 % бўлиб, етарли даражада эканлиги аниқланди.

Ҳаракатчан озика моддалари: минерал азот тупроқларда етарли эмас ва етарли даражада таъминланган, пастки қатламларида камайиб бориб, жуда кам таъминланган. Ҳаракатчан фосфор миқдори паст, етарли эмас даражада таъминланган. Алмашинувчи калий миқдори бўйича етарли ва юқори даражада таъминланган. Остки қатламларида ўртача ва етарли миқдорга тўғри келади.

CO₂ карбонатлар кўрсаткичлари бўйича тупроқларнинг юқори қатламларида—7,10-11,6%, ўрта қисмида 6,6-10,9 %, она жинсида 5,2-9,5 % ни ташкил этади. Ушбу тупроқларда гипс миқдори 0,081-0,623 % бўлиб, жуда кам, 44 кесма тупроқларини остки қатлами ва она жинсида 2,814-4,370% бўлиб, кам кўрсаткичларга тўғри келади. Ушбу тупроқларнинг сингдириш сиғими нисбатан юқори—қатламлар бўйича мутаносиб равишда 16,31-13,57 ва 13,87-12,21 мг-экв.100 г. Бу тупроқларда сингдирилган кальцийни улуши 58,5-62% ва 52-62% ни ташкил этиб, сингдирилган магнийдан 1,5-2 марта кўп. Сингдирилган натрийни улуши 5,3-6,4 ва 6,4-7,1% ни ташкил этиб, кучсиз шўртобланган гуруҳга тўғри келади.

Тақирсимон-ўтлоқи тупроқлар Жаркўрғон тумани Оқкўрғон массиви калит майдонида кенг тарқалган бўлиб, механик таркиби бўйича енгил ва ўрта кумокли, кам даражада шўрланган. Тақирсимон-ўтлоқи тупроқларда гумусни миқдори ҳайдов қатламларида 0,45-0,51%, ҳайдов ости қатламларида 0,38-0,45% оралиғида бўлиб, кам ва жуда кам кўрсаткичга мансуб. Мазкур тупроқларнинг ўрта қатламлари ва она жинсида гумус миқдори 0,26-0,39 % бўлиб, жуда кам кўрсаткичга тўғри келади. Умумий азот миқдори қатламлар бўйича 0,038-0,046 % бўлиб, ҳайдалма қатламда C:N нисбати 3,7-7,1 ни ташкил этади ва гумус азотга нисбатан бойлиги аниқланди.

Умумий фосфор миқдори қатламлар бўйича 0,21-0,28 % ва умумий калий миқдори-1,28-1,81 % бўлиб, ўртача кўрсаткичга тўғри келади. Ҳаракатчан шаклдаги фосфор миқдори қатламлар бўйича 5-14 мг/кг ва калий эса 88-154 мг/кг атрофида тебраниб, жуда кам даражада таъминланганлиги аниқланди.

Карбонатлар миқдори ушбу тупроқларни ҳайдов ва ҳайдов ости қатламларида мос равишда 6,2-8,9 % ва 6,2-9,5 %, қуйи қатламларда—5,4-9,5 % атрофида ўзгариб туради. Гипс миқдори барча текширилган тупроқларни генетик қатламлари бўйича 0,049-0,240% бўлиб, жуда кам гипсли ҳисобланади.

Бу тупроқларнинг сингдириш сиғими мутаносиб равишда генетик қатламлари бўйича 10,8-12,2; 9,6-12,5 ва 8,7-15,1 мг-экв. Уларда сингдирилган кальцийни улуши мутаносиб равишда 54,8-65,8%; 46,5-56,8% ва 62,2-68,9% ни ташкил этади, ва сингдирилган магнийдан 1,1-1,5 марта кўп. Сингдирилган натрийни улуши 4,56-8,16; 4,31-6,75 ва 4,16-6,21 % ни ташкил этади ва ушбу тупроқлар шўртобланмагандан кучсиз шўртоблангангача

фарқланди

Тақирли (тақирсимон) тупроқлар Қизирик тумани “Кунчиқиш” массиви калит майдонида тарқалган, механик таркиби бўйича лойли ва оғир кумоқли, кам даражада шўрланган. Ушбу тупроқ таркибида гумус миқдори ҳайдов ва ҳайдов ости қатламларида 0,832-0,614 % бўлиб, кам кўрсаткичга, пастки қатламларда аста-секин 0,435-0,163% гача камайиб бориб, жуда кам кўрсаткичлиги билан фарқланади. Умумий азот қатламлар бўйича 0,053-0,011 % атрофида тебранади. C:N нисбати 6,5-9,1 ни ташкил этади ва ушбу тупроқларни гумуси таркибида азот миқдори етарли ҳисобланади.

Умумий фосфорни миқдори тупроқ профилида 0,20-0,25 % орасида тебраниши кузатилади ва ўртача кўрсаткичга тўғри келади. Тупроқларнинг ҳайдалма ва ҳайдов ости қатламларида умумий калийни миқдори 1,60-1,70 % атрофида бўлиб, ўртача миқдорга тўғри келади, пастки қатламларида 1,40-1,51 % ни ташкил этади. Ушбу тупроқларда ўсимликлар осон ўзлаштира оладиган ҳаракатчан шаклдаги азот, фосфор ва калийни миқдори жуда кам, кам даражада таъминланганлиги аниқланган. Карбонатлар миқдори 7,5-9 % атрофида бўлиб, ўрта ва остки қатламларида ювилиши ҳисобига 8,4-9,3 % ни ташкил этиб, карбонатларни ушбу қатламларда тўпланиши кузатилади.

Тупроқларнинг сингдириш сиғими қатламлар бўйича мутаносиб равишда 13,6-16,86; 9,0-13,4 ва 14,9-16,8 мг-экв. Уларда кальцийни улуши магнийдан 1,2-1,5 марта, кумли-кумоқ қатламларда 2 марта кўп. Бу тупроқларда мутаносиб равишда сингдирилган натрийни улуши 4,5-5,6%; 8,4-11,8% ва 6,5-7,0% ни ташкил этиши аниқланган ва кучсиз шўртобланган ҳисобланади.

Чўл-қумли тупроқлари янгидан ўзлаштирилган бўлиб, Қизирик тумани Кунчиқиш массивида кенг тарқалган. Гумус миқдори юқори қатламларда 0,45-0,60 % бўлиб, кам ва жуда кам, остки қатламларида 0,21-0,30% бўлиб, жуда кам кўрсаткичдадир. Азотнинг умумий миқдори юқори қатламларда 0,024 -0,026% бўлиб, жуда кам, пастки қатламларда 0,018 % гача камайган. Ўрганилган тупроқларнинг юқори қатламларида умумий фосфор миқдори 0,26-0,27 % атрофида бўлиб, ўртача кўрсаткичга тўғри келади, пастки қатламларда 0,20-0,18 % гача камайганлиги кузатилди. Умумий калий миқдори қатламлар бўйича 1,50-1,80 % атрофида бўлиб, ўртача кўрсаткичга тўғри келади.

Ўрганилган тупроқларнинг юқори қатламларида ҳаракатчан шаклдаги азот ва фосфор миқдори мос равишда 14-16 мг/кг ва 13-16 мг/кг бўлиб, жуда кам (паст) таъминланган. Ҳаракатчан шаклдаги калий ушбу қатламларда 270-280 мг/кг атрофида тебраниб, ўртача даражада таъминланган ҳисобланади.

СО₂ карбонатлар ҳайдалма қатламда 6,75% ни ташкил этади ва ўрта қисмида ҳамда она жинсида ювилиш ҳисобига 8,39-8,76 % гача ортган.

Ўтлоқи-тақир тупроқлар Шеробод тумани Э.Бердиев массиви ҳамда Ангор тумани Ш.Рашидов номли массивида кенг тарқалиб, тупроқлари механик таркиби бўйича ўрта ва оғир кумоқлидир. Ушбу тупроқларни ҳайдов ва ҳайдов остки қатламларида гумус миқдори 0,647-0,855% ва 0,521-0,738% бўлиб, тасниф бўйича кам гумусли ҳисобланади. Ўрта қатламларда ва она

жинсида 0,617-0,428% ва 0,243-0,551% ни ташкил этиб, белги кўрсаткичи бўйича кам ва жуда кам ҳисобланади. Тупроқларнинг юқори қатламларида умумий азот миқдори 0,044 % бўлиб, кам кўрсаткичга тўғри келади, остки қатламларида 0,020-0,044 % ни ташкил этади. C:N нисбати ҳайдалма қатламда 8,2-11,6, ҳайдов остки қатламида 6,7-11,2 бўлиб, юқори қатламлари гумуси азот билан ўртача таъминланган ҳисобланади.

Умумий фосфорни миқдори қатламлар бўйича 0,25-0,34 % ни ташкил этади ва юқори кўрсаткичга тўғри келади. Калийни миқдори юқори қатламларда 1,7-2,2 % атрофида бўлиб, ўртача кўрсаткичга тўғри келади. Ўрганилган тупроқлар ҳаракатчан шаклдаги азот ва фосфор миқдорига кўра, жуда кам ва етарли эмас даражада таъминланган. Ҳаракатчан калийни миқдори бўйича етарли даражада таъминланган ҳисобланади. Карбонатлар қатламлар бўйича нотекис тақсимланган-6,5 дан 10,9 % гача бўлиб, ювилиш ҳисобига энг кўп миқдори 8,9-10,9 % -и ўрта қатламларга тўғри келади. Гипс миқдори асосан 0,086-0,238% оралиғида бўлиб, кўрсаткичлари бўйича жуда кам гипсли ҳисобланади. Уларнинг сингдириш сиғими мутаносиб равишда 11,1-14,6 ва 10,7-11,9 мг-экв. 100 г тупроқда. Сингдирилган кальцийни улуши уларда мутаносиб равишда 50,9-59,9% ва 51,9-57,8% бўлиб, сингдирилган магнийдан 1,3-1,5 маротаба кўп. Сингдирилган натрийни улуши мос ҳолда 4,8-7,1% ва 4,5-5,9% бўлиб, шўртобланмаган ва кучсиз шўртобланганлиги изоҳланган.

Ўтлоқи тупроқлар Шерободдарёни I-II террасаларидаги аллювиал-пролювиал ётқиқларда шаклланган бўлиб, Ангор тумани Ш.Рашидов массивида кенг тарқаган, механик таркиби бўйича асосан ўрта қумоқли, кам шўрланган. Тупроқларни ҳайдов ва ҳайдов остки қатламларида гумус миқдори 0,800-0,818% ва 0,675-0,702% бўлиб, кўрсаткич бўйича кам гумусли. Ўрта қатламларда ва она жинсида 0,579-0,616% ва 0,367-0,480% ни ташкил этиб, кўрсаткич бўйича кам ва жуда кам ҳисобланади.

Ўтлоқи тупроқлар умумий азот билан таъминланганлиги бўйича юқорида кўрилган тупроқлардан кам фарқ қилиб, унинг миқдори қатламлар бўйича 0,034-0,044 % атрофида. C:N нисбати юқори қатламларида 11,2-11,9 бўлиб, гумус таркибида азот миқдори кам ҳисобланади. Остки қатламларида бу нисбат 4,8-9,9 бўлиб, азот миқдори сезиларли ортган. Юқори қатламдаги умумий фосфор 0,30 % дан 0,35% гача тебраниб, остки қатламларида 0,21-0,31 % ни ташкил этади ва фосфор бўйича ўртача кўрсаткичга тўғри келади. Умумий калий миқдори ҳайдалма қатламда – 1,55-2,10 % га тенг бўлиб, ўртача миқдорга тўғри келади. Остки қатламларда 1,50-1,90 % гача камайган. Нитрат шаклидаги азот миқдори паст, етарли эмас, ўртача таъминланган ҳисобланади. Тупроқларда ҳаракатчан фосфор миқдори кам ва етарли эмас даражада таъминланган, ҳаракатчан калийни миқдори етарли эмас, етарли даражада таъминланган тупроқлар гуруҳига киради.

Карбонатлар миқдори 7,0-11,35% атрофида ўзгариб туради. Карбонатларни кўпроқ миқдори ўрта ва остки қатламларида учрайди. Гипс миқдори асосан 0,118-1,574% оралиғида бўлиб, кўрсаткичлари бўйича жуда кам гипслашган ҳисобланади. Суғориладиган тупроқлар (кесма 15, 56)

сингдириш сиғими мос ҳолда 11,5-11,8 ва 9,1-13,2 мг-экв 100 г бўлиб, сингдирилган кальцийни улуши уларда мос ҳолда 52,0-59,1% ва 49,8-56,3% бўлиб, сингдирилган магнийдан 1,2-1,5 маротаба кўп. Сингдирилган натрийни улуши мутаносиб равишда 2,9-7,0% ва 4,1-5,6% бўлиб, асосан шўртобланмаган, айрим қатламлари кучсиз шўртобланганлиги аниқланган.

Худуд суғориладиган тупроқларида максимал гигроскопик намликнинг энг кўп миқдори суғориладиган тақир ўтлоқи (3,43-7,87%) ва бироз камроқ миқдори ўтлоқи тупроқларда (3,96-4,35 %) аниқланди. Тупроқларнинг ил фракцияси бўз минтақа тупроқларига яқин, гигроскопик намлик горизонтлар бўйича деярли яқин ва 3,60-5,54 % оралигида бўлиб, тупроқдаги гигроскопик намликга нисбатан 3-4 марта кўп. Шу тупроқларнинг ил фракциясини максимал гигроскопик намлик кўрсаткичлари генетик қатламлар бўйича 19,01-21,37 оралигида бўлиб, юқори адсорбция хусусиятига эга эканлигини кўрсатади. Бу ҳолатни механик таркиби оғир қумоқли ва лойли эканлиги, майда дисперс фракциялари кўплиги билан изоҳланган (1-жадвал).

1-жадвал.

Сурхон-Шерабод водийси чўл зонаси асосий суғориладиган тупроқлари, уларнинг ил фракциясини гумуси ва адсорбция кўрсаткичлари, фоиз ҳисобида

Кесма, №	Тупроқ номи ва тавсифи	Қатлам чуқурлиги см	тупроқ		Гумус	Ил фракцияси	
			Гн	Мгн		Гн	Мгн
1	Суғориладиган тақир ўтлоқи, ўрта қумоқли	0-31	1,25	5,92	0,888	4,19	20,21
		31-65	1,62	4,61	0,706	4,58	20,43
		135-160	1,76	4,59	0,321	4,98	19,76
17	Суғориладиган тақир ўтлоқи, ўртача қумоқли	0-35	0,91	4,29	0,807	4,22	19,31
		35-50	0,90	3,65	0,682	4,30	19,86
		125-160	0,52	1,98	0,226	4,10	19,21
35	Суғориладиган тақир ўтлоқи, оғир қумоқли	0-35	2,25	5,94	0,931	4,93	20,60
		35-52	3,58	7,87	0,777	5,54	21,37
		150-200	1,79	3,43	0,216	4,39	18,87
48	Суғориладиган ўтлоқи-тақир, ўрта қумоқли	0-32	0,71	3,19	0,647	3,60	18,32
		32-48	0,86	3,36	0,521	4,45	19,32
		105-141	1,35	3,30	0,243	4,32	19,17
56	Суғориладиган ўтлоқи, ўрта қумоқли	0-32	1,23	3,96	0,818	3,87	18,49
		32-50	1,71	4,14	0,702	4,35	19,01
		83-120	1,42	4,35	0,367	4,63	19,92

Бу кўрсаткич бўйича чўл зонаси суғориладиган тақир-ўтлоқи, ўтлоқи-тақир ва ўтлоқи тупроқлари оч тусли бўз тупроқлар минтақасида тарқалган тупроқларга нисбатан 1,2-1,3 марта юқорилиги кўрсатилган.

